



## ЕНГИЛ САНОАТ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРДА УСТОЗ ШОГИРД АНЬАНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Рахмонова Холида  
Султанова Азиза

Тошкент имконияти чекланган шахслар учун  
ихтисослаштирилган 1-сон касб-хунар мактаби  
ишилаб чиқарииш таълими усталари

**Аннотация:** Уишибу мақолада касб ҳунар мактабларида устоз-шогирд анъаналари, ўқувчиларнинг касб танлаши ва бунда уларга яратилган имкониятлар ҳақида мулоҳаза юритилган.

**Калит сўзлар:** устоз-шогирд, анъана, касб-хунар, ёшлар, йенгил саноат, таълим, ўқитувчи, мактаб.

Маълумки, ўрта маҳсус касб-хунар мактабларида бўлгуси мутахассис ўқувчиларга тарбиявий таъсир қилувчи устоз-шогирд анъаналари тажрибаси амалий тасдиқланган омил сифатида ифодаланади. Тез суръатда илмий-техник ривожланиш жараёнини амалга оширилиб бориши натижасида таълим жараёнининг қирралари мукаммаллашиб бораётганлиги, уларнинг тизимиға янги педагогик технологияларни, инновацион услубларни кенг доирада кириб келиши каби ҳоллар бўлгуси мутахассисларни касбий тааллуқлилиги масалаларни аниқлаш, уларга ўз вақтида ёрдам бериш каби масалаларга эътибор қаратиш, устоз-шогирдлик анъаналаридан ўринли фойдаланиш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Унинг асосида ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етказиш масалалари ўз ифодасини топди. Енгил саноат иқтисодиётимизнинг қўп тармоқли ва технологик жараёндир. Бунда шубҳасиз, мамлакатимизда бозор ислоҳотлари ва ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш тадбиркорлик саноати ва хизмат қўрсатиш соҳаси янада ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда ёшлар учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилган экан, бу имкониятлардан ўз вақтида фойдаланган ҳолда ўқувчиларни касб-хунар танлашларига кўмаклашиш мақсадида касб-хунар мактабларида тўғарак ишлари ҳамда ўқувчиларни ижодиёт марказлари билан ҳамкорликдаги ишларини устувор вазифа сифатида қаралаётган бир пайтда “устоз-шогирд” анъаналари бугунги кунда ўз самарасини беради.

Бу соҳанинг ривожида ўрта маҳсус касб-хунар мактабларида етишиб чиқаётган ёш мутахассислар билими катта аҳамиятга эга ва бундан имкониятлари чекланган шахслар ҳам четда колгани йўқ. Бу бўлажак мутахассисларга енгил саноат тармоғининг хизмат қўрсатиш соҳаси бўйича билим ва кўнималарни чуқурлаштириб ўқитилиб келмоқда. Келажақда бу ёш кадрлар аҳолига тўқувчилик, тикувчилик хизматларини кўрсатади, шу сабабли ўқувчиларга илм-фан асослари бўйича мустақил билимни сингдириш, уларда юксак маданиятни шакллантириш, уларни

зиёли шахс қилиб касбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ёш авлод тарбиясига эътибор давлат сиёсати даражасига қўтарилиди ва шахсан юртбошимиз томонидан бугунги кунда ёш авлод тарбиясини “устоз-шогирд” мактаби тарзида шакллантириш йўлга қўйилди. Таълим муассасаларида “устоз-шогирд” фаолиятининг йўлга қўйилганлигига ҳали унча қўп вақт бўлмади. Шу ўрнида юртимизда имкониятлари чекланган шахсларга эътибор ва уларнинг таълим эгаллашда кенг имкониятлар яратилган. Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактабида ҳам ёш авлод тарбиясига жуда катта эътибор берилмоқда. Устоз-шогирд тизими шогирд ўқувчининг вазифалари устознинг мақсади тажрибалари ҳаёт тарзининг сидқидилдан ўрганишга интилишдир. Ўқувчилар яхши билим ва қўникмаларни шакллантириш учун касб-хунар мактабларини қайта таъмирлаб эски жиҳозлар ўрнига янги жиҳозларга алмаштирилди ва бу ёш авлодни тарбиясига касбни бунданда яхширок касб эгаларини етиштириб чиқаришга бўлган қизиқишиларни оширмоқда. Бунинг учун юртбошимизнинг ёшларга бўлган эътибори ва ишончи уларнинг келажакга бўлган ишончини орттириб бориши ва бунинг учун олий маълумотли малакали мутахассисларни жалб этиш кераклиги учун олий таълимга бўлган эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарини малакасини ошириб ва уларга тоифалар берилиши касб-хунар мактабларида тоифаси бор ўқитувчилар дарс бериши ва уларнинг сони кўпайишини таъкидладилар. Касб-хунар мактабларида тоифали ўқитувчилар дарс берса билимнинг сифати ошади. Бугунги кунда ёш мутахассисларни ҳар томонлама шакллантиришга эътибор ҳар қачонгидан нисбатан тезлаштириш эҳтиёжи замон талабига айланди, уларни касбий фаолиятини оширишга қаратилди. Ўқувчиларни ўкув амалиёти жараёнида касбий фаолияти юқори кўрсаткичларга эришган, рақобат бардош кадрлар тайёрлаш тажрибасига эга малакали ишлаб чиқариш таълим усталарига “устоз-шогирд” тизими асосида бириктирилишини йўлга қўйиш ҳамда касб-хунар мактаблари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва манфаатли интеграцияни шакллантириш каби масалаларга катта эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда устознинг меҳнатлари сабабли шогирдлар ҳар соҳада юқори мэрраларга эришмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшларимиз етук маънавиятли, ўзига ишонган, ўз келажагини ўзи қўра оладиган комил инсон сифатида тарбияланмоқда. Бу ҳар жабҳада “Устоз –шогирд” роли муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

### АДАБИЁТЛАР:

1.Х.Х.Мақсадова “Баркомол инсонни шакллантиришда ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ўрни ва роли.”

2.Н.Мансурова. “Талаба ёшларни ислом маданияти ва маънавияти асосида тарбиялаш”.

3.Интернет сахифалари.